

2025 йилда амалга оширилган халқаро ҳамкорлик

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

2025 йилда солиқ органларининг 39 нафар ходимлари учун малака ошириш, қисқа муддатли курсларда иштирок этиш ва халқаро даражадаги тадбирларда қатнашиш юзасидан 9 та (Россия Федерацияси, Қозоғистон, АҚШ ва бошқа) давлатларга хизмат сафарлари ташкил этилди.

Шунингдек, 56 дан ортиқ, жумладан Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури, Халқаро солиқ ва инвестиция маркази, ССАМТАС, РwС каби халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакиллари, хорижий солиқ экспертлар иштирокида учрашув ва семинарлар ташкиллаштирилди.

Ушбу учрашувларнинг 40 та масофавий шаклда ташкиллаштирилган бўлса, 15 таси Солиқ қўмитаси биносида ва 1 таси бошқа ҳудудда ўтказилди.

Халқаро валюта жамғармаси билан – 24.01.2025

2025 йил 24 январь санасида Солиқ қўмитаси вакиллари ва Халқаро валюта жамғармаси делегацияси ўртасида икки томонлама учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ХВЖ ва Солиқ қўмитаси ўртасидаги кейинги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари, жумладан ХВЖнинг Ўзбекистонга бўлажак миссиялари ҳақидаги маълумотларни муҳокама қилиш, 2024 йил учун солиқ маъмурияти ва назоратининг асосий кўрсаткичлари ҳамда Солиқ қўмитасининг 2025 йилга мўлжалланган режалари билан танишилди.

Осиё тараққиёт банки билан – 17.02.2025

2025 йил 17 февраль куни Осиё тараққиёт банкининг «Иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш дастури» миссияси доирасида Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев ҳамда ОТБнинг Давлат секторини бошқариш ва бошқариш сектор бюроси директори Чидем Акин ўртасида учрашув ўтказилди.

Учрашувда ОТБ вакиллари билан 2024-2026 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли даромадлар стратегияси, солиқ ҳисоботларини автоматлаштиришнинг самарадорлиги, тизимда сунъий интеллектдан кенг қамровли фойдаланиш, 2025-2030 йилларда солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ органлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқиладиган Стратегияни янада такомиллаштириш учун ОТБ билан ҳамкорлик қилишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув якунида, Чидем Акин хоним Солиқ қўмитаси томонидан хорижий ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, ўрганилиши лозим бўлган масалалар таркиби шакллантириб берилса, ОТБ техник ёрдам асосида солиқ ходимлари билим кўникмаларини ошириши ва экспертлар жалб этилиши масалалари бўйича доимий ҳамкорлик қилишга тайёрлигини таъкидлади.

PwC билан – 20.02.2025

2025 йил 20 февраль куни Солиқ қўмитаси раҳбарияти ҳамда PwC вакиллари билан бизнес вакиллари ўртасида Трансфер нархлар бўйича олдиндан келишув (Advanced Price Agreement, APA) битими лойиҳаси юзасидан учрашув ўтказилди. Учрашувда PwC вакиллари таклифлари билан танишилиб келгуси ҳамкорликни ривожлантириш бўйича муҳокама ўтказилди.

Huawei билан – 20.02.2025

2025 йил 20 февраль куни Солиқ қўмитаси вакиллари ҳамда Huawei компанияси делегацияси ўртасида ахборот ва рақамли бизнесни ривожлантиришга қаратилган учрашув ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистонда телекоммуникация, ахборот ва рақамли бизнесни ривожлантириш истiqболларини муҳокама қилиш ҳамда техник ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқилди. Шунингдек, учрашув давомида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва уларнинг Ўзбекистондаги фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилинди.

Қозоғистон Савдо ва интеграция вазирлиги билан – 27.02.2025

Жорий йилнинг 27 феврал санасида Солиқ қўмитаси Раиси бошчилигидаги вакиллар ҳамда Қозоғистон Савдо ва интеграция вазирлиги делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Қозоғистон томони сўровига асосан солиқ тизимида товарларни маркировкалаш йўналишида эришилган муваффақиятли ютуқлар, бу борадаги илғор тажриба билан таништириш ҳамда икки томонлама ҳамкорликни кучайтиришни муҳокама қилинди.

Жаҳон банки билан – 28.02.2025

2025 йил 28 феврал санасида Солиқ қўмитаси вакиллари ва Жаҳон банки делегацияси ўртасида «Молия секторни баҳолаш дастури (FCAP) доирасида» учрашув ўтказилиб, учрашувда Жаҳон банки сўровига асосан жисмоний ва юридик шахслардан солиқ тўловларини йиғиш, солиқ имтиёзлари, солиқларни қайтариш, солиқларни йиғишдаги харажатлар ва солиқларни тўлов усуллари бўйича тақдимот қилинди. Шунингдек, келгусидаги ҳамкорликлар ва учрашувлар бўйича келишиб олинди.

Жаҳон банки билан – 3.03.2025

Худди шундай, 2025 йил 3 март санасида «Камбағаллик ва тенглик» миссияси доирасида Жаҳон банки делегацияси билан навбатдаги учрашув ўтказилди. Учрашувда солиқ маълумотларидан фойдаланган ҳолда фискал юклама таъсири, минтақавий тенгсизликни таҳлил қилиш бўйича Банк билан ҳамкорлик, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича маълумотлар сўрови ҳамда келгусидаги ҳамкорликларни муҳокама қилиш режалаштирилди.

Жаҳон банки билан – 07.03.2025

Шунингдек, 2025 йил 7 март санасида Солиқ қўмитаси вакиллари ва Жаҳон банки делегацияси ўртасида сунъий интеллектга бағишланган учрашув ўтказилди. Учрашувда солиқ тизимида сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш ва мазкур йўналишдаги

келгусидаги ҳамкорлик, «Назариядан амалиётга: Даромад маъмурияти учун стратегик сунъий интеллект интеграция модели» номли илмий қўлланма бўйича ахборот бериш шунингдек, Лойиҳанинг 3-компоненти «Кадрлар ва институционал салоҳиятни ошириш» бўйича ҳам муҳокама қилинди.

Жаҳон банки билан – 01.04.2025

Жаҳон банкининг “Давлат молиясини бошқаришни мустаҳкамлаш ва бюджет очиқлигини ошириш” лойиҳаси доирасида жорий йилнинг 24 март – 4 апрель кунлари Ўзбекистонда режалаштирган миссияси давомида 1 апрель куни Солиқ қўмитаси вакиллари билан кенг қамровли учрашув ўтказилди.

Учрашувда солиқ тўловчилар томонидан солиқ органига тақдим этиладиган электрон ҳисоботларнинг автоматлаштирилганлиги, ҳисоботларнинг Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган стандартлар, шу жумладан давлат корхоналарининг молиявий ҳисоботлари ва улардаги маълумотлардан фойдаланиш каби мавзуларда муҳокамалар ўтказилди.

Бундан ташқари, молия ҳисоботларининг миллий ва халқаро стандартлари ҳамда миллий стандартларнинг халқаро стандартларига мослаштирилиши юзасидан тажриба ва мулоҳаза алмашилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг рейтинг баллари ҳисобланиши, рейтинг балларга кўра тадбиркорларга бериладиган имтиёз ва енгилликлар бўйича маълумот берилди.

Учрашув якунида, Жаҳон банки экспертлари томонидан ўзаро ҳамкорлик ҳамда ўзлари учун қизиқарли бўлган саволларга батафсил маълумот олганликлари учун Солиқ қўмитаси вакилларига чуқур миннатдорчилик билдирилди.

Халқаро валюта жамғармаси билан – 08.04.2025

Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Яссир Абдих бошчилигидаги делегациянинг 3-17 апрель кунлари Ўзбекистонда миссияси доирасида Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев раҳбарлигидаги вакиллар ва делегация аъзолари билан жорий йилнинг 8 апрель куни соат 11:30 қўмита биносида учрашув ўтказилди.

Учрашув давомида Солиқ қўмитасининг яқин келажакдаги стратегик режалари, солиқ маъмурчилигида амалга оширилган сўнги йиллардаги асосий ўзгаришлар, йирик солиқ тўловчилар инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш, даромадларни бошқариш, хавфларни баҳолаш ва бошқариш, хуфиёна иқтисодиётни камайтириш бўйича чоралар, активларни декларация қилиш, фойда солиғи тушумлари, яширин иқтисодиётга қарши курашиш ҳамда ҚҚСни бошқариш, ҚҚСни қайтаришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан – 3 ва 4.04.2025

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) Солиқ сиёсати ва маъмурчилиги маркази 13-минимал стандартни жорий қилиш гуруҳи раҳбари Николь Кейсининг 2025 йил 3-4 апрель кунлари Ўзбекистон BEPS Инклюзив дастурига аъзолиги доирасидаги миссияси ташкил этилди.

Миссия давомида 13-стандартни (йиллик айланмаси 750 млн. АШҚ долларида) ортиқ бўлган трансчегаравий йирик корхоналар томонидан мамлакатлар кесимида ҳисобот топшириш) жорий қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини Солиқ қўмитаси мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқиш, ҳамда Ўзбекистоннинг BEPS доирасида Копмлекс баҳолашдан (Peer Review) муваффақиятли ўтиши бўйича семинарлар ташкил этилди.

“Ernst and Young” халқаро аудиторлик ташкилоти билан – 11.04.2025

Жорий йилнинг 11 апрель куни халқаро аудиторлик ташкилоти “Ernst and Young Kazakhstan” компанияси делегацияси билан Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев бошчилигидаги вакиллар ўртасида учрашув ўтказилди.

Учрашувда, делегация томонидан хуфийна иқтисодийётга қарши курашиш ва ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқот иши ҳамда унинг натижаси (Польша ва Озарбайжонда эришилган натижалар), трансферт нарх ва халқаро тажриба бўйича солиқ ходимлари малакасини ошириш юзасидан келгусидаги ҳамкорлик, BEPS дастурининг 13-стандартларини қўлланилишига доир тажрибалари билан таништирилди.

Учрашув якунида, олиб борилган ишчи тартибдаги музокаралар якунига кўра “Ernst and Young Kazakhstan” Солиқ қўмитаси билан яширин иқтисодийётга қарши курашиш масаласида яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрлиги маълум қилинди.

Халқаро валюта жамғармаси билан – 14, 15, 16.04.2025

Жорий йилнинг 14, 15, 16 апрель куни Халқаро валюта жамғармасининг Фискал масалалари департаментининг даромадларни бошқариш бўлими катта иқтисодчиси Винсент де Паул Кукпаизан бошчилигидаги делегация ва Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев бошчилигидаги вакиллар ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда, Солиқ қўмитаси кадрлари салоҳиятини ошириш, Солиқ қўмитасининг яқин келажакдаги стратегик режалари ҳамда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясини фаолиятини кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш, хусусан ушбу масалада амалга оширилиши кутилаётган миссия масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, миссия самарадорлигини янада кенгайтириш мақсадида солиқ қўмитасининг риоя қилинишини бошқариш, экспортни бошқариш, акциз солиғи, махсус солиқ режими, яширин иқтисодийёт ва трансчегаравий электрон тижорат масалаларини муҳокама қилиш мақсадида қисқа муддатли учрашув ўтказилди.

Учрашув якунида жаноб Винсент де Паул Кукпаизан томонидан Халқаро валюта жамғармаси Солиқ қўмитасига техник ёрдам кўрсатишга тайёрлиги билдирилди.

Осиё тараққиёт банки билан – 16.04.2025

Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) 2025 йил 7–18 апрель кунлари “Иқтисодийётни бошқаришни такомиллаштириш дастури” миссияси доирасида Ўзбекистонга ташрифи режалаштирилганлиги сабабли, жорий йилнинг 16 апрель куни ОТБ делегацияси ва

Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев раҳбарлигидаги вакиллар билан кенг қамровли учрашув ўтказилди.

Учрашувда Учрашувда 2022-2026 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли даромад стратегияси ҳолати, жисмоний ва юридик шахслар томонидан топшириладиган ҳисоботларнинг автоматлаштириши, солиқ қоидаларига риоя қилиш ва солиқ текширувлари учун ИТга асосланган хавфларни баҳолаш тизимини ишга тушириш, марказий ва ҳудудий даражаларда солиқ маъмурияти фаолиятини назорат қилиш учун КРЎларни жорий этиш, бошқа тегишли солиқ сиёсати ва маъмурият ислохотлари, ҚҚСни қоплаш каби масалаларни муҳокама қилинди.

Учрашув якунида, Осиё тараққиёт банки томонидан ўзаро ҳамкорлик ҳамда ўзлари учун қизиқарли бўлган саволларга батафсил маълумот олганликлари учун Солиқ қўмитаси вакилларига чуқур миннатдорчилик билдирилди.

PwC билан – 23.05.2025

Катта тўртлик ((Big four) халқаро аудиторлик ташкилотларидан бири PwC томонидан 2025 йил 21 май куни Солиқ қўмитаси ва Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясига амалга оширилган ташрифи давомида томонлар ўртасида учрашув ўтказилиб, солиқ идораси ҳамда бизнес вакиллар ўртасида Трансфер нархлар бўйича олдиндан келишув (Advanced Price Agreement, APA) битими лойиҳаси муҳокама қилиниди.

Жаҳон банки билан – 09.05.2025

Жорий йилнинг 9 – 13 июнь кунлари Жаҳон банкининг Солиқ маъмурчилигини ислоҳ қилиш дастури – амалга ошириш юзасидан қўллаб қувватлаш миссияси доирасида солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишнинг жорий ҳолатини баҳолаш ва глобал солиқ дастури томонидан молиялаштириладиган техник ёрдам дастури бўйича муҳокама ўтказилди.

Халқаро валюта жамғармаси билан – 10.06.2025

Жорий йилнинг 10 июнь куни Халқаро валюта жамғармасининг “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш” миссияси доирасида ХВЖнинг Фискал ишлар департаменти бўлими бошлиғи ўринбосари Шафик Хебоус бошчилигидаги делегация ва Солиқ қўмитаси вакиллари ўртасида учрашув ўтказилди.

Учрашувда ХВЖ Фискал масалалар департаменти Даромадларни бошқариш бўлими катта иқтисодчиси Винсент Кук Пайзан томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини бошқариш, экспортни бошқариш, акциз солиғи, махсус солиқ режими, яширин иқтисодиёт ва трансегаравий электрон тижорат масалалари муҳокама қилинди.
